

32-боб. Қариндошлик алоқасини узганнинг гуноҳи



12:10 / 21.03.2019 4463

64. Жубайр ибн Мутъимдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Қариндошлик алоқасини узган одам жаннатга кирмайди», деганларини эшитганман».

Шарҳ: Силаи раҳми узиш ана шундай катта гуноҳдир, инсоннинг жаннатга кирмай қолишига сабаб бўладиган гуноҳ ишлардандир. Аллоҳ таоло бундан Ўз паноҳида асрасин.

65. Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Раҳм Роҳмандан олинган. У: «Эй Роббим! Менга зулм қилинди. Эй Роббим! Мени узишди. Эй Роббим! Мени..., мени...» дейди. «Сени узганни узишимдан, сени боғлаганни боғлашимдан рози бўласанми?» дейди У Зот».

Шарҳ: Демак, бу дунёда қариндошлик алоқасини узганлардан қиёмат куни Аллоҳ таоло алоқани узар экан, силаи раҳм қилганларга эса раҳм қилар экан. Бу ҳам силаи раҳми узиш оғир мусибат эканини, бундай қилганлар қиёматда жуда оғир ҳолатда бўлишини, Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлишини билдиради.

66. Саъид ибн Самъондан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайнинг ёш болалар ва эсипастлар ишбоши бўлиб қолишидан паноҳ сўраганини эшитдим».

Саъид ибн Самъон айтади:

«Менга Ибн Ҳасана Жуҳаний хабар берди. У Абу Ҳурайрага:

«Бунинг белгиси нима?» деган экан.

«Қариндошлик алоқасининг узилиши, ифвогарга итоат этилиши ва муршидга осийлик қилиниши», дебди у».

Шарҳ: Яъни «Ўшанда қариндошлик алоқаларининг узилиши бошланади», деган эканлар.

Ёшлар қариндошларнинг қадрини билмайди, ҳовлиқиб, ҳар тарафга югуради, қариндош-уруғни эсдан чиқаради. Ифвогарга итоат қилинади. Ифвогарларнинг иши юришиб кетади, ёш болани ишонтириб, ишни ўз фойдасига буради.

Муршид одам, яхши одам, тўғри, мукамал одамнинг айтганини ҳеч ким қилмай қўяди. Унга исён этилади. Ана шулар одамларнинг бошига тушган кулфатнинг аломатлари экан.

Қаерда қариндошлик алоқалари узилса, ифвогарга итоат, муршидга исён қилинса, бундай жамиятда яхшилик бўлмас экан. Бу ерда ҳам қариндошлик алоқаларининг узилиши биринчи ўринда зикр қилинган. Бундан жуда эҳтиёт бўлиш кераклиги таъкидланмоқда.

Ушбу ривоятдан олинган фойдалар:

1. Ёш болалар ва эси пастларнинг ишбоши бўлиши жамият учун яхши эмаслиги.
2. Қариндошлик алоқаларининг узилиши жамият учун ёмонлик аломати экани.
3. Ифвогарга итоат этилиши жамият учун ёмонлик аломати экани.
4. Муршид – яхшиликка бошловчига осийлик жамият учун ёмонлик аломати экани.

«Одоблар хазинаси» китобидан